



УЗУМНИНГ КИШМИШБОП НАВЛАРИНИ ЎСТИРИШ УСУЛИНИ УЗУМНИНГ ҲОСИДОРЛИГИГА БОҒЛИҚЛИГИ

Эгамбердиев Пулатжон Эргашович

Абдураимов Даврон Улуғбек ўғли

Гулистон давлат университети, қ.х.ф.ф.д¹

Гулистон давлат университети ўқитувчиси²

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.10184002>

ARTICLE INFO

Received: 15th November 2023

Accepted: 21th November 2023

Online: 22th November 2023

KEY WORDS

Кишмиш, узум боши, ҳосил, ҳосилдорлик, ток тупи, ерток, тиксимбағаз, механик таркиб.

ABSTRACT

Узумнинг кишмишбоп навларини ертоу усулида етиштиришнинг узум бошининг ва узум ҳосилдорлигига таъсири ўрганилганда, назорат вариантга нисбатан энг юқори кўрсаткич кишмиш сағдиана навида 121,8 ц/га юқори бўлиши аниқланди, назорат вариантга нисбатан энг кам ҳосилдорлик кўрсаткичи бишмиш белый навида 14,4 ц/га бўлиши қайт этилди.

Кириш. Узумнинг кишмишбоп навларини ҳосилдорлигини оширишга имконини берувчи, узумнинг ўтириш усуллари энг мақбул меъёрларини ишлаб чиқиш ва улар асосида юқори ва сифатли ҳосил етиштириш масалалари бўйича изланишлар дунёдаги нуфузли илмий-тадқиқот марказлари ва муассасаларида, жумладан, Viticulture and Enology Research Center (АҚШ, Калифорния), Research Institute of Horticulture, Viticulture and Winemaking (Грузия), Instituto Nacional de Tecnología Agropecuaria (Аргентина), Research Institute of Viticulture, Winemaking and Fruit crops (Арманистон), Hochschule Geisenheim University (Германия), Viticole et Oenologique (Франция), Viticultural Research Institute Manisa (Туркия), Шимолий Кавказ боғдорчилик ва узумчилик илмий-тадқиқот институти, Россия), академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти ва Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институтларида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Бугунги кунда узум етиштириш бўйича етакчилик қилаётган хорижий мамлакатларда узум ишлаб чиқариш ҳажмини ва экспорт салоҳиятини ошириш мақсадида қуйидаги устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда: узумнинг йирик ғужумли кишмишбоп навларини танлаш, ҳар бир нав учун агротехника тизимини такомиллаштириш, ўстиришни интенсив технологиялари ишлаб чиқилмоқда. Кишмишбоп узум навларидан юқори ва сифатли ҳосил олишнинг асосий омилларидан бири унинг навига боғлиқлигидир. Ҳосил сифати ва узум бошларининг кимёвий таркиби ҳам навларнинг биологик хусусияти ҳамда етиштириш технологияларига ҳам боғлиқ бўлади [1,7].

Тажриба олиб борилган жой. Илмий тадқиқотлар 2021-2023 йилларда Гулистон давлат университети “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш технологиялари” кафедраси ва Самарқанд вилояти Паяриқ туманида жойлашган 2005



йил ташкил этилган “Файзулло узумлари” фермер хўжалигида амалга оширилади. Фермер хўжалигининг умумий майдони 10 гектарни ташкил этган бўлиб шундан, узумнинг “Ер ток” усулида етиштириладиган 5 гектар тик симбағаз усулида 5 гектар етиштирилган токзорларида амалга оширилади.

Тадқиқот услублари. Тажрибалар Х.Ч.Бўриев, Н.Ш.Енилеев ва бошқалар томонидан ишлаб чиқилган «Мевали ва резавор мевали ўсимликлар билан тажрибалар ўтказишда ҳисоблар ва фенологик кузатувлар методикаси» [2], М.А.Лазаревскийнинг «Методы ботанического описания и агробиологического изучения сортов винограда» [4], Н.Н.Простосердовнинг «Изучение винограда для определения его использования» [6], В.Ф.Моисейченконинг «Методика учетов и наблюдений в опытах с плодовыми и ягодными культурами» [5] номли услубий адабиётларида келтирилган тавсия ва услублар бўйича ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг статистик таҳлили «Excel 2010» ва «Statistica 7.0 for Windows» компьютер дастурларида, 0,95% ишончлилик оралиғи билан Б.А.Доспехов курсатган услуби бўйича ҳисобланган [3].

Олиб бирилган тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики узумнинг кишмишбоп навларини ерток усулида етиштирилганда Кишмиш черный (назорат) навида тупдаги узум бошлар сони 35,2 донани, узумбошининг оғирлиги 280,2 г, тупдаги ўртача ҳосил 9,8 кг ва умумий ҳосилдорлик гектаридан 108,8 ц/га ташкил қилиши аниқланди. Кишмиш белый навид назорат вариантга нисбатан тупдаги узумбошлар сони 3,5 дон қўп, узумбошининг оғирлиги 60,4 г кам, бир тупдаги ўртача ҳосил 1,3 кг кам бир гектардаги ҳосилдорлик 14,4 ц/га кам бўлиши қайт этилди. Узумнинг Кишмиш Согдиана нави назорат вариантга нисбатан қўйдаги кўрсаткичларга эга бўлди, тупдаги узумбошлар сони назорат вариантга нисбатан 11,8 дон қўп, узумбошининг ўртача оғирлиги 160,3 г оғир, тупнинг ўртача ҳосили 10,9 кг қўп ва ҳосилдорлик 120, 1 ц/га юқори бўлиши кузатилди. Ф1 оқ кишмиш навида тупдаги узумбошлар сони назорат вариантга нисбатан 4,0 дон қўп, узумбошининг ўртача оғирлиги 39,8 г кам, тупдаги ўртача ҳосил 0,2 кг кам, умумий ҳосилдорлик 2,2 ц/га кам бўлиши қайт этилди.

Жадвал

Узумнинг кишмишбоп навлари узум бошини механик таркиби ва оғирлиги

№	Вариантлар	Тупдаги узум бошлар сони, дон	Узум бошининг ўртача оғирлиги, г	Тупнинг ўртача ҳосили, кг	Ҳосилдорлик, ц/га
Ток туплари ерток усулида етиштирилганда					
1	Кишмиш черный (назорат)	35,2± 1,0	280,5± 4,3	9,8	108,8
2	Кишмиш белый	38,7± 1,2	220,1± 10,3	8,5	94,4
3	Кишмиш Согдиана	47,0± 1,2	440,8± 7,4	20,7	229,9
4	Ф1 оқ кишмиш	39,2± 1,3	245,7± 4,4	9,6	106,6
5	Ф1 пушти кишмиш	38,2± 1,4	230,4± 4,5	8,8	97,7
6	Ф1 қора кишмиш	37,2± 1,4	330,4± 4,5	12,2	135,5



Ф1 пушти кишмиш навида тупдаги узумбошлар сони назорат вариантга нисбатан 3,0 дона кўп, узумбошининг ўртача оғирлиги 50,1 г кам, тупдаги ўртача ҳосил 1,0 кг кам, умумий ҳосилдорлик 11,1 ц/га кам бўлиши кузатилди.

Ф1 қора кишмиш навида тупдаги узумбошлар сони назорат вариантга нисбатан 2,0 дона кўп, узумбошининг ўртача оғирлиги 49,6 г кўп, тупдаги ўртача ҳосил 2,4 кг кўп, умумий ҳосилдорлик 27,7 ц/га юқори бўлиши аниқланди

Тадқиқот натижаларидан қуйидаги кўрсаткичларга эга бўлди. энг яхши ҳосилдорлик ток тупларини ерток усулда етиштирганда Кишмиш Согдиана навида 229,9 ц ва . Ф1 қора кишмиш навида 135,5 ц ҳосилдорликда бўлиши аниқланди.

References:

1. Алехин К.К. Агротехника ухода за молодым виноградником. Бюллетень научно – технической информации НИИСВ «Магарач» № 1, 1957-53-54-б.
2. Буриев Х.Ч., Енилеев Н.Ш. ва б. Мевали ва резавор мевали ўсимликлар билан тажрибалар ўтказишда ҳисоблар ва фенологик кузатувлар методикаси. – Т., 2014. – 64 б.
3. Доспехов Б.А. Методика полевого опыта. – М.: Агропромиздат. - 1985. – с. 311-320.
4. Лазаревский М.А. Методы ботанического описания и агробиологического изучения сортов винограда // Ампелография СССР. – М.: Пищепромиздат, 1946. – Т.1. – С. 347-400.
5. Моисейченко В.Ф. Методика учетов и наблюдений в опытах с плодовыми и ягодными культурами. – Методические рекомендации. – Киев, 1967. – С. 21-28.
6. Простосердов Н.Н. Изучение винограда для определения его использования. М.: Пищепромиздат, 1963. – 63 с.
7. Темуров Ш. “Узумчилик” Тошкент-2002-3-137- б.
8. Khujakulov, F., Egamberdiev, P., Julbekov, I., Abduraimov, D., & Ungarov, A. (2023). The Dependence of Grape Feeding on the Productivity Indicator and Harvest Quality of Rizamat and Large Dry Varieties. *Journal of Advanced Zoology*, 44(S-2), 1970-1977.
9. Egamberdiyev P., Jo'lbekov I. THE DEPENDENCE OF THE METHOD OF CULTIVATION OF KISHMISHBOP VARIETIES OF GRAPES ON THE YIELD OF GRAPES //International Bulletin of Applied Science and Technology. – 2023. – Т. 3. – №. 10. – С. 592-594.
10. Egamberdiyev, P. L., Raxmatullayev, R., Ungarov, A., & Jo'lbekov, I. (2023). UZUMNI MUZLATIB ISHLOV BERISHNI SUSLADAGI QAND TARKIBIGA TA'SIRINI O'RGANISH. *Евразийский журнал технологий и инноваций*, 1(6 Part 2), 127-129.
11. Файзиев Ж. Н., Эгамбердиев П. Э., Жўлбеков И. С. Ў. УЗУМНИНГ ХЎРАКИ КАТТА ҚЎРҒОН НАВИНИ ВОИШ УСУЛИДА ЕТИШТИРГАНДА КУРТАК ЮКЛАМАЛАРИНИ ҲОСИЛДОРЛИК КЎРСАТКИЧЛАРИГА БОҒЛИҚЛИГИ //Academic research in educational sciences. – 2022. – Т. 3. – №. Speical Issue 1. – С. 254-257.
12. Эгамбердиев, П., Абдурайимов, Д., Жулбеков, И., & Нуралиева, Ф. (2022). УЗУМНИНГ ХЎРАКИ ОҚ ХУСАЙНИ НАВИНИ ВОИШ УСУЛИДА ЕТИШТИРГАНДА КУРТАК ЮКЛАМАЛАРИНИ ҲОСИЛДОРЛИГИГА БОҒЛИҚЛИГИ. *Евразийский журнал академических исследований*, 2(5), 902-905.



13. Egamberdiyev, P. L., Hojaqulov, F., Jo'lbekov, I., Maxmudov, I., & Qabulov, I. (2023). INTENSIV BOG 'DORCHILIKNING ASOSIY ILMIY RIVOJLANISH ISTIQBOLLARI. Евразийский журнал технологий и инноваций, 1(6 Part 2), 105-109.
14. Маматова Ю., Абдураимов Д. УЗУМЧИЛИК МАХСУЛОТЛАРИНИ ЕТИШТИРИШ ВА МАВЖУД МУАММОЛАР ХАМДА УЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ //Евразийский журнал академических исследований. – 2022. – Т. 2. – №. 6. – С. 1023-1025.
15. Qurbanov E. et al. DEVELOPMENT OF SELECTION AND GROWING TECHNOLOGY OF NUT VARIETIES FOR SIRDARYA REGION //International Bulletin of Applied Science and Technology. – 2023. – Т. 3. – №. 6. – С. 447-450.
16. Qurbanov E. et al. AGRAR SOHADA RESURSLARDAN SAMARALI FOYDALANISH TEXNOLOGIYALARI TAHLILI //Евразийский журнал технологий и инноваций. – 2023. – Т. 1. – №. 6. – С. 143-146.
17. Jo'lbekov I. et al. UZUMNING SANOATBOP NAVLARINI YETISHRISH USULLARIGA DOIR MAVZULARNI INNOVATSION TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANGAN HOLDA TASHKIL ETISH //Евразийский журнал технологий и инноваций. – 2023. – Т. 1. – №. 6. – С. 89-93.